

1996-йил dekabr dan chiqq boshlagan ⇨ Chorshanba kunlari chiqadi ⇨ E-mail: hurriyat@mail.ru ⇨ http://www.hurriyat.uz

Ушбу сонда:

2 Туман газетасида ишлаш осонми?
Хатто минг донага етмай-диган туман газеталарининг ахволини тасаввур этиш қийин эмас. Бундай газеталарнинг муҳаррирлари ўз кўл остида ишлайдиганларнинг ёзганларига эътибор беришдан кўра, газетанинг чоп этилиши билан боғлиқ моддий аҳвол ҳақида кўпроқ ўйлаши табиий.

4 Улоқчи от кўпқарини кўрганда...
Яқинда унинг кўшигини айтиб бир халта пул ишлаган артист боладан "Таваккал Қодировни биласизми", деб сўраганимда "Эшитганман" деган жавобни олдим, холос. Ҳозир бундайларни саного кўп. Лекин Таваккал акадай санъаткорлар санокли...

4 Менга ўхшаганлар билиб олсин
Шу пайт бақалоқ билан қилтирик қаердандир чиқиб қолди. Наҳоткорим қўлимга ниманидир тутқазигиша улгурди. Бир сониядан сўнг ўзимни аввалги жиннихонадан ҳам каттароқ залда кўрдим...

HURRIYATга
2007 йил учун обуна йил бўйи
давом этади.
Газетамизни ўқиб боришг, ютқазмайси!
Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

Биз умид билан яшаймиз

Қувончу қайгулар, шодлигу фамлар аро

ОНОРЕ де Бальзак "Хаёт — комедия" деса, Хемингуэй "Хаёт — трагедия, чунки оқибати маълум", дейди. Демак, хаёт трагикомедия, яъни қувонч ва қайгу, қаҳқаҳа ва ҳасрат, мусибатга мамнунлик, маҳзунлигу майнавозчиликдан иборат экан. Бирок хаёт воқеа-ҳодисаларга, урф-одатларга кимнинг қандай муносабатда бўлишига боғлиқ. Биров учун фожеали нарса бошқа бировга кулгили бўлиши мумкин. Масалан, бизда ота-онани сенсираб гапириш эриш туюлади. Айрим халқлар учун бунинг ҳеч қанча фожеавий жиҳати йўқ экан. Баъзи элатларда эса ўз хотинига сизлаб мурожаат қилган одамнинг устидан кулишаркан.

глаб масжид ва мадрасалар, Ислоом университети ва маъҳадлар эмин-эркин фаолият юритаётган бугунги озод юртимизнинг ёш фуқаролари учун бу гаплар кулгили туюлади. Бирок зуғум ва зулмга асосланган имонсиз шўровий тузумдан ҳар "хунар"ни кутиш мумкин эди. Уша пайтларда истеъдодли бир ижодкорни муқофотга тавсия қилишган экан. "Истеъдод" деган атамага мутлақо алоқаси йўқ бир сўлтамат муқофотни илиб кетибди, чунки "узат-ворган" экан. Истеъдодсизлар учун — байрам, истеъдодлилар учун мотам, бу ҳодиса. Унвонлару амаллар, орденлару медаллару сотиладиган ўша мустабид тузумдан қутулганимизга шуқур қилишимиз керак.



Абдугани АБДУБАЛИЕВ

Демократия чўққисига чиққан баъзи Ғарб давлатларида йигит-қизларнинг ота-она, жамоатчилик олдида ярим яланғоч юриши одадий ҳол. Бизда эса бехаёлик, уят ва номусдир. Адабиётимиз ғоялари ҳам шундай — ибодил. Шу боис Фитрат: "Ғарб адабиёти Шарқ адабиёти олдида шляпансини олиб салом бериб ўтади", деган.

Кулги ва фожеага муносабат давр ва давлатларга ҳам боғлиқ. Мустабид тузум давридаги баъзи қилиқларимизни ҳозир бировга айтсангиз мириқиб кулади. Шулардан айримларини ёшларга ибрат учун эслатиб ўтамиз. Биз, ўша даврнинг ёшлари Сталинни — отамиз, Ленинни — бобомиз, дердик, гўё ҳаммамиз ўша даҳрий зотлардан тарқанганлик. Сөн асли кимнинг пушти кэмаридан бўлгансан, деб ҳеч ким сўрамасди. Брежнев деган подшо галла ҳақида "ноёб" бир гап айтиди: "Ғаллан бўлса, озгиндан қўшиқ ҳам тўшмайди". Донлар учун кулгили, нодонлар учун янгилик бўлган бу широнир фермадаги оғилхоналарга ҳам ёпиштириб ташлашди. Бир маҳаллий раҳбар шу широнга бағишланган мажлисда: "Нон есақ қорнимиз тўярган, ўртоқлар", деган эди, ҳамма қарсақ чалиб юборди. Агар мажлисда Суқрот бўлганда, шу зотнинг кулоги тагига бир тарсаки солиб: "Қорнинг тўқ — гаминг йўқ", деб қўя қоларди. Чунки доннинг ризки рўз эканлигини ёш бола ҳам биларди. Бизнинг адабиёт ўқитувчимиз Брежневдан ақлироқ эди: "Оч қоринга Бетховеннинг музикаси ёқмайди", дерди. Давр экан-да, нима дейсиз? Намоз ўқиган, отасининг жанозасида катнашган кишилар лавозимидан бўшатиларди. Мин-

мамлакатни ўйлайдилар. Ота-она номининг ўзағида турли миллат бўлишига қарамай оҳангдошлик бор: биз онажонларимизни "момо" десак, руслар "мама", инглизлар "мазе(р)", немислар "матер" дейди, биз "ота" десак, руслар "отец", кўплаб туркий халқлар "ато" дейди. Бу — барчамиз Одам Ато ва Момо Хаводан тарқалганимизга ишора эмасми? Ҳаммамиз Аллоҳнинг бандаси, бир ота-онадан таркаган қон-қардош эканмиз, маърифий тарғиботимизда инсонийлик тарихига чуқурроқ кириб боришимизга тўри келади, акс ҳолда маърузамиз куруқ, билимимиз саёзлиги билниб қолади.

Шу боис ҳам ҳурматли Президентимизнинг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарориди "... тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий кадрлар уйғунлиги асосида ташкил этиш" вазифаси қўйилди. Аллоҳ бандаси учун Ватан қилиб берган, Одам Атодан мерос бўлиб қолган табарруқ тупроғимизда "террорист" деган маҳлук пайдо бўлди ва кураи заминни бўлгаб ташлади. Беслан-даги мактаб ўқувчиларини отган террорчиларни россиялик маданият арбобларидан бири: "Булар ўзга сайёрадан келган ёвуз маҳлуқлар бўлса керак. Чунки ҳар қандай бандит болаларни отмайди", деди. Ўтмишдаги файласуфлар орасида "Одам маҳлуқми ё ҳолқимки?" деган масала устида кўп тортишувлар бўлиб турган. Афтидан одам дастлаб маҳлук, сўнг одам, инсон, шахс бўлган. Одам бор, инсон бор, шахс бор — булар орасида фарқ бор. Айрим кимсаларнинг фитратиди маҳлуқлик хусусияти вақти-вақти билан хуруж қилиб турса керак.

Кўркам шаҳару қишлоқлар, машинау метролар, мактабу мадрасалар, хатто Аллоҳнинг уйи ҳисобланган масжидларда портлашлар содир этаётган, ўз биродарларининг жонига қасд қилаётган, қурбон бўлган ўз ватандошлари устидан кулаётган бу диёнатсизларни ким деб аташ мумкин? "Кимда ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишидир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаянлатгай ва улкан азобни тайёрлаб қўйган" (Қуръони карим. Нисо сураси, 93-оят).

Бутун вуқуди билан Яратганга сингиб кетган Мансур Халлоқнинг "Аналҳақ" (Мен — Ҳақ), яъни "Ҳолиқман" деган фалсафасини уламолар эътироф қилишган. Дарҳақиқат, Аллоҳ ўзининг барча гўзал сифатларини инсонда зуҳур этди. У бизни яратди ва биз унга қайтамиз, ҳисоб берамиз. Шундай экан, бизнинг зиммамизда адошганларни шайтоний ва ҳайвоний ҳаракатлардан қайтариб, раҳмоний йўлга буриб, тарбияламоқ вазифаси турибди.

Мирзо Бобур: "Бу оламда ўзумни чун яхши-ёмондин ўтқардим", деганидек, яхши ва ёмонларга тўла бу бевафо, бесаранжон дунёда роҳату ранж, муҳаббат маккорлик, садоқату хиёнат, фароғату фожеалар, шодлигу ғамлар аро кун кечириб қисматимизда бор экан, биз учун энг муҳими, асосида адашиб, додираб қолмаслик, ўзимизни англаб, имонимизга пугур етказмаслик, келгуси авлодлар олдида кулги бўлиб, хижолат тортмасликдир.

Бальзак ва Хемингуэйдан юз чандон ошириб айтилган, қудсий бир ҳадис бор. Унда: "Хушчали куларинга кўп қувонма, ортида ташлаш бордир. Қайғули куларингдан кўп қайғурма, ортида шодлик бордир", деб хаётнинг қонунчилиги, унинг иссиқ-совуғига сабрли бўлиш уқтирилади. Биз ҳаммиз сабр-тоқат ва орзу-умид билан яшашига ўрганган, маънавияти бой ва покиза халқимиз. Бундай халқнинг шуурида тафаккур нури бўлади. Бу нур ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам қалбини чароғон қилиб, эзгуликка чорлаб туради. Зеро, бизни янги — "Ижтимоий ҳимоя йили"да ҳам нури манзиллар кутиб турибди.

Хабар

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси неча йиллардан бери доимий равишда "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази билан ҳамкорликда "Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари" мавзуси бўйича Республика илмий-амалий семинарларини ташкил этиб келади. Яқинда Фанлар академиясида шундай семинарларнинг навбатдагиси бўлиб ўтди. Бу гапга тадбир ҳамкорлигига Фанлар академияси Иқтисод институти ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳам қўшилди.

Ижтимоий таъминотдан розимисиз?

Дурдона АЛИМОВА
Тадбирнинг Фанлар академияси вице-президенти С. Фуломов ва "Ижтимоий фикр" маркази директори Р. Убайдуллаева олиб борди. Иштирок этган мутахассисларнинг таъкидлаганидек, жамоатчилик фикрини ўрганиш фуқаролик жамияти ҳолатини бевосита курсатиб беради. Ўрганиш жараёни эса бир қанча соҳалар, масалан, социология, психология, иқтисод каби фанларни ўз ичига қамраб олади. Жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганган ҳолда, натижалардан келиб чиқиб халқнинг хоҳиш-иродасини амалга оширишга ёрдам бериш лозим. Сўзга чиққанлар қишлоқ-туманлардаги ишсизлар ва кам таъминланганлар шароитини алоҳида ўрганиш кераклигини таъкидлашди. "Ижтимоий ҳимоя" йили деб эълон қилинган янги 20 йилда аҳолини ҳимоя қилишда кўпроқ қай йўлни тут керак деган масала юзага чиқади.

Тадбирнинг иккинчи қисмида "Ижтимоий фикр" кази илмий ходими Т. Сисинанинг "Иқтисодий ёнларни ўрганишда социологик усуллари тўғрисида" мавзусидаги маърузаси ва ў қот натижалари иштирокчилар эътибориди. Унда аҳолининг ижтимоий таъминот жаси ва иқтисодий шароити ўрганилди.



Сўзсиз сурат
гани таҳсинга лойиқ.
Дарвоқе, обуна ҳақида. Мазкур м. вий-маърифий тадбирни ушшоқлик

Суриштирув

Яқинда мамлакатимиз миқёсда Республика ички бозорини қалбақлаштирилган, сифатсиз, давлат рўйхатидан ўтмаган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлардан ҳимоялаш ва уларнинг сотилишининг олдини олиш юзасидан назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумаладан, Фаргона вилоятида ҳам.

Умр кушандалари

ёхуд хуфёна дори-дармон бозори бархам топадими?

Салих ҚАҲҚОР,
"Hurriyat"нинг махсус муҳбири
Мамлакатимизда халқ соғлигини сақлаш, тиббий хизматни жаҳон андозаларига кўчириш ҳамда шифокорлар сафини мустаҳкамлаш бўйича қизгин ислохотлар кечаётгани барчага маълум. Узоққа бормай, Фарғонанинг ўзини мисол олайлик. Шўро давридан мерос қолган даволаш муассасалари ўрнида бугун замонавий тиббий-техник анжомлар билан жиҳозланган поликлиникалар ва шифохоналар, туғруқ уйлари, шозишнинг тиббий хизмат ва реабилитация марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолият юритиб турибди. Уларда ишлайдиган шифокорларнинг малакали хизматидан мамнун бўласиз. Бугунги дорихоналаримизнинг шинама қўёғасию салоҳияти, хизмат маданияти ҳам чакки эмас.

теъмол учун қай даражада яроқли ёки яроқсизлиги устида гап боргудек бўлса, бу ўринда энди, уйланиброқ баҳо беришга тўри келмоқда.
Авалло, икки нарсани эътироф этиб ўтиш жоиз. Биринчиси, ҳалол меҳнат қилиб, эл дуосини олаётган фармацевт ходимларимиз асосий кўпчиликлдан иборатлигини, иккинчиси, яқингача кўча-қўйларда ошқора ҳолда дори сотиб юрган чорбозорчиларнинг бугун кўзга ташланмай қолганигини!
Бирок "доришунос" унарлар жиний даромад пировардида нима билан тугашини ҳис эта бошладилар деб ҳисоблаш мумкинми? Бундай ҳулосадан тийилиб тураемиз. Уларнинг сафи камайиб бораётгани аниқ, бироқ ошқора савдо ҳозирда хуфёна олди-сотдига айлангани, бир қатор дорихоналару, хатто шифохоналарда қалбаки ёхуд

сифатсиз, давлат реестрига кирмаган дори воситалари ҳам қўлмақўл бўлиб турганлиги жиддий ташвиш уйғотади.
Хўш, биз назарда тутаётган қалбаки ёки сифатсиз дори воситаларининг манбаи қаерда?
Маълумки, истеъмолдаги дориларнинг асосий кўпчилиги хорижда ишлаб чиқарилган бўлади. Ўзимизда тайёрланаётган ёхуд хориқ фармацевт корхоналари билан ҳамкорликда чиқарилаётган дорилар тури ҳам кўп. Бирок улар номидан, уларнинг маҳсулот этикеткалари билан қалбаки дориларни тайёрлаб тарқатаётган минни цехлар ва, шунингдек, қўлбола дори тайёрловчилар ҳам кам эмас. Бу — биринчидан. Иккинчидан, чорбозорчининг сумкасида ётавериби ёки қўлдан қўлга ўтавериби, ўз муқдоти ва хусусиятини йўқотган дорилар ҳам росмана дорилар қато-

рида бемалол пулланмоқда.
Масалан, Россия телеканаллари федерация худудиди қалбаки дорилар ишлаб чиқараётган хуфёна корхоналар ҳақида кўрсатувлар бериб бормоқда. Хўш, айтилгичи, бу огуларни бизга ҳам этиб келмаётганлигига, қанчадан қанча беморларимизнинг умрига завол бўлмаётганлигига, меҳнаткаш халқ чўнтагини беҳуда ўмармаётганига ким қафолат бера олади?
Дори воситалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказининг, дори воситалари ҳамда тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармасининг сифатсиз ва қалбаки дорилар бўйича рўйхатларини кўздан кечиргудек бўлсангиз, истеъмолга ноқонуний тарзда кириб келаётган дорилар тури қанчалик кўплигидан ёқа ушлаб қоласиз. Ваҳоланки, айнан ана шу дорилар муомаладан тортиб олинган.
Мана, қўлимизда лаборатория таҳлилда қалбакилиги аниқланган йигирма турга яқин дори-дармонлар турибди. Улар юрак хуружига, қанд касаллигига, бош ва қорин оргнларига, шунга ўхшаш кўп унрайдиган касалликларга қарши ишлатиладиган оммавий дори воситаларидир. Лекин аслида, авраси бошқою астарни бошқа деганларидек, улар қаердадир ноқонуний ишлаб чиқарилган, дорилар қадоғиди этикеткаларгагина эғдирлар, холос.

Давоми 2-бетда.

2007 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда уяли алоқа воситасидан фойдаланган ҳолда транспорт воситаларини бошқариш тақиқланди.

Обуна


Бизда "Hurriyat"нинг мухлислари кўп

Инот УМАРОВ,
Бойсун туман марказий шифохонаси касаба уюшмалари раиси
Мана орзиқиб қутилган 2007 йил ҳам кириб келди. Ҳар гапгидек бу йил ҳам жамоамизнинг кўп сонли ходимлари ўзлари севиб мутлола қиладиган ўнлаб номдаги газета-журналларга обуна бўлишга улгурдилар. Албатта, бу нашрлар орасида Республикаимизда илк бор мустақил газета сифатида дунё юзини кўрган "Hurriyat" газетаси алоҳида ўрин тутди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Гап шундаки, биз аввало "Hurriyat"да чоп этилган, чоп этилаётган ўткир танқидий мақолалар, айниқса, ҳуқуқий мавзуларда ёзилган кескин материаллар туфайли унинг ҳар бир сонини интиқлик билан кутамиз. Бизнингча, Республика матбуот нашрлари орасида бирор бир газета бундай мавзуларни ёритишда "Hurriyat" билан беллаша олма-са керак. Мавзу диапозонининг кенглиги, яъни баъзи бир тармоқ газеталари каби ёритилажак мавзуларнинг маълум бир чегарада чекланмагани ҳам "Hurriyat"нинг ютуғи деб ўйлайман. Хусусан, газета саҳифаларидан жой олаётган материаллар, қайси бир катта-кичик мавзуда бўлмасин, куруқ ахборот бериш шаклида эмас, балки чуқур таҳлил қилиш асосида берилаёт-




Самарқанд вилоят
«ПАХТАСАНОАТ»
бирлашмаси жамоаси

**юртдошларимизни Янги 2007 йил билан чин
юракдан табриклайди.**



*«Ижтимоий ҳимоя йили»да
ҳаётингизда бахт-саодат,
тирилик-хотиржамлик, сизга
саломатлик ва ишларингизда
чиққан зафарлар ёр бўлсин!*



Янги 2007 йилда ҳам
мустақил Ўзбекистонимизда
эл-юрт фаровонлиги йўлида
олиб борилаётган ислохотлар
бардавом бўлсин.



*Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахту саодат,
омад ва хуш кайфият йўлдош бўлсин.*



**Я Н Г И
Й И Л И Н Г И З
Б И Л А Н,
М У Қ Т А Р А М
Ю Р Т Д О Ш
Л А Р!**





Сулола

Халқ амалий санъати турларидан бири бу ёғоч ўймакорлигидир. Ҳозирги кунда Республиканинг турли вилоятларида ўзига хос оилавий мактаб яратиб хаваскор халқ усталари талайгина. Ана шундай кўли гул хунармандлардан бири жиззахлик Зокиржоновлар сулоласидир.

«Ҳаёт кўшиғи»

Муфтилло ЮСУПОВ

Ота ўз фарзандларининг камолини фидойи меҳнатда деб билганлардан. Шунинг учун бўлса керак, фарзандларига ёшлагандан хунарга меҳр уйғотди. Айниқса, халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлигини кунт билан ўргатди. Тўнғич фарзанди Тўлқин Зокиржонов ота ўғитларига амал қилиб Жиззах политехника институтини тугаллаб, ҳеч иккиланмасдан курувчилик касбини эгаллади. Бугун Жиззах шаҳридаги кўплаб маъмурий ва маиший биноларнинг саловат тўкиб туришида унинг ҳам хиссаси бор. Катта қизи Азиза Зокиржонова оила аънаъасига содиқ қолган ҳолда рассомчилик санъатида чуқур меҳр кўйди. У гарчанд катта полотнолар яратмаган бўлса-да, кичик-кичик картиналарда ҳамюртларининг ички кечинмаларини, хурсандчилиги таъшишларини, қишлоқ одамларининг соддаликларини ишонарли бўёқларда чизолди. Сулола давомчиларидан Баҳодир Зокиржонов ака изидан бориб хунарманд — курувчилик касбини тандлади. — Санъат инсониятни асрлар давомида ҳайратга солиб келгани бежиз эмас, — дейди биз билан суҳбатда Баҳодир Зокиржонов. — Нарфис ёғоч ўймакорлиги билан иш-

ланган эшик қаршида ҳам соатлаб томоша қилган одамларни кўрганман. Ана шунда кишида ўз касбига янада иштиёқ ортади. Феруза Туропова ҳам ҳеч иккиланмасдан ёғоч ўймакорлиги касбини тандлади. У ҳам амакилари қаторидан жой олиб, санъатнинг бу турига меҳр кўйди. Ҳозир Феруза менман деган усталардан қолишаётгани йўқ: у яратётган турли хил буюмлар ўз мухлисларини топиб улгурган. Зокиржоновларнинг ўртанча фарзанди Ботир ўрта мактабни имтиёзли тугаллаб, вилоят санъат билим юртининг тасвирий санъат бўлимига ўқишга кирди ва устозлардан сабоқ олиб, ўз иқтидорини мўйқалам ва амалий санъатда намоиш қила бошлади. Ботирнинг рассом сифатида кўплаб йирик полотнолар яратди. У табиатга бошқача назар билан қаради. Инсон тасаввурдаги табиатдан ноёб туйғуларни ахтарди. Ва бунга бир мунча эришди ҳам. «Гарашада куз», «Зомин манзаралари» ва «Она қишлоқ» каби асарларида табиатнинг гўзаллигини аниқ тасвирларда ифода қилди. Рассом яратган кўплаб асарлар бугун Республиканинг кўрғазма ва музейларида одамларга завқ улаштириб турибди. Туман, вилоят ва Республика миқдосидаги кўрик, фестиваль ҳамда



кўрғазмаларда ўз асарлари билан қатнашиб, бир неча бор голиб ва совриндор бўлди. Ака-ука Мўмин ва Мамадин Зокиржонов ҳам Жиззах аънавий халқ амалий санъатининг «Ёғоч ўймакорлиги» йўналиши бўйича меҳнат ва ижод қилаётган фидойилардан. Улар бир неча маъмурий ишоотларнинг бадиий безаш ишларини ҳам амалга оширдилар. Жиззах вилоят ҳудудида жойлашган «Парпи ота» мақбарасини ташкирлаш ва «Ҳасан ота Азизий» мақбарасини бунёд этишда жонбозлик кўрсатди. Ундан ташқари нақшкор курсилар, лавҳалар, ёғоч устунлар, эшиклар ва мураккаб композицияли эсталик буюмлар оилавий сулоланинг ижод маҳсулидир. Улар Республикада ташкил қилнаётган барча кўрғазмаларда қатнашиб, голиб ва совриндорлар қаторинда муносиб жой олган. Уларнинг асарлари нафақат Республикада, балки кўплаб хорижий мамлакатларнинг шахсий коллекцияларидан ҳам ўрин олган. Зокиржоновлар сулоласи ўз халқи ва ўлкасининг ота-боболари қолдирган бой миллий мероси ва аънаъаларини давом эттириш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этиб, бир неча шогирдларга амалий санъат сирларини ўргатишмоқда. Биз ёзган ушбу сатрлар Зокиржоновлар оилавий сулоласи ҳаётидан бир шингил, холос.

Йўқлов

Улоқчи от кўпкарини кўрганда...

Анвар АБДУВАЛИЕВ

Буюқларнинг кучи ўлганидан кейин ҳам ўз қудратини кўрсатаверади. Қаердадир эшитган бу сўзларни ҳар гал «Догман»ни тинглаётганимда ўзимча тақорлагандай бўламан. Комилжон Отаниёзов яратган-у, Таваккал Қодиров маромига етказиб ижро этган бу кўшиқнинг қудрати нимада? Йиллар ўтса-да, бу ўлмас кўшиқ кўйланганда ҳар қандай одамнинг ҳаракатга келганини, кайфияти ўзгарганини кўчирилган кўрганмиш, кузатганмиш. Ҳақиқий санъат асари дегани шу бўлса керак. Аслида бу сатрларни ёзишимга бир неча кун олдин қўнқилик машҳур созанданинг айтиб берган кичик воқеаси сабаб бўлди. Кимдир эшитганларининг қозғошга тушириш деганди. — Ука, ҳақиқий чавандознинг оти улоқчи кўрса, бойлаб кўйсалар ҳам, арқонини узиб майдонга кириб кетади, деган гапни сира эшитганмишми? — деб гап бошлади Зокиржон ака Комилжонов. Уша кунни Кўқонда жуда йирик тадбир бўлганда. Катта саҳна. Раҳима опа Мазоҳидова, раҳматли Махсудхон... — хуллас, водийнинг манман деган ҳақиқий санъаткорлари тўпланишганди. Кечанинг азиз меҳмони сифатида Таваккал ака ҳам тақлиф қилинган. Лекин ҳамма, айниқса, Раҳима опа: «Жон Таваккалжон бугун кўшиқ айтмай-сиз», деб қайта-қайта илтимос қилдилар. Уста ҳам кўнгандай бўлди. Бунинг сабаби бор эди. Уч ойна аввал Тавак-

кал аканинг кўз томир қисмини жарроҳлик амалиётидан ўтказишган, шифокорлар камиди 6 ой асло хиргойи ҳам қилиш мумкин эмаслигини айтиб оғохланганди. Санъаткорлар навбатма-навбат 1-2 тадан кўшиқ айта бошлади. Шунда бирдан Таваккал акани кўриб қолган халқ уни талаб қилса бўладими? Уста торни олиб шитоб билан саҳнага чиқди. Бир-икки, ниҳоят, олтинчи кўшиққа навбат келди. Одамлар уни саҳнадан қўвилаб юбормас, у ҳам саҳнадан чиққиси йўқ эди. Биз юрак ҳовулаб турибмиз. Шунда устанинг юзидан тер чиқа бошлади. Сал ёнига қараб, бўлди дегандай ортага юра бошлади. Гум-бирлаган қарсақ остида шогирдлари ҳамроҳлигида саҳна ортига ўтди. Шундан сўнг 2-3 кун ўтган. — Уша кунни устанинг яқинларидан бири айтмасангиз бўлмасмики деганида «Улоқчи от кўпкарини кўрганда чеккада турганини эшитганмишсиз, арқонини узиб бўлсанга майдонга қиради», деган экан. Йирик санъаткор умрини охири кунларида ҳам мардларча майдонга кириб... Таваккал Қодиров... Бу санъаткорни орамиздан кетганга ҳам ўн йилдан ошди. Ҳамон унинг кўшиқлари кўйланяпти. Бу кўшиқларни эшитганлар сергақ тортапти. Айрим ҳақиқий шиванавдалар кўшиқ ва сёрли куй ҳамроҳлигида у билан жүрөвөз бўлиб кўйлашяпти. Кечинки кўшиқчилар уни «Догман»ини айтиб тикриқчилигини ўтказишяпти. Лекин... яқинда унинг кўшигини айтиб бир халта пул ишлаган артист боладан «Таваккал Қодировни биласизми?», деб сўраганимда «Эшитганман» деган жавобни олдим, холос. Ҳозир бундайларни саногои кўп. Лекин Таваккал акадай санъаткорлар саноголи...

Ҳажвия

Менга ўхшаганлар билиб олсин

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Гапларимни эшитиб даҳшатда туриб қолмаслик учун икки қултум муздай сув ичиб олинг. Бунақаси ҳаётда хали-бери бўлмаган. Галстугимдан судраб, оғир темир дарвозани бинога олиб келишди-да, ичкарига улоқтиргандек қилиб киритиб юборишди. Гапларим чиппа-чип, бунақа кўрчинчи жойини умрим бино бўлиб, биринчи марта кўришим. Аммо ичкарида анча эркин кўйишди. — Бу ўзи қанақа жой? — деб сўрадим бир хонанинг турлида курсисини кўчқолаб ўтирган семиз одамдан. У жойидан чакқонлик билан сагчиб турди. Сўнг мен умман кутмаган муллойим ва кўзбўямачилигининг хиди аниқ турган гаплар билан нутқ сўзлай кетди: — Келинг, азизим. Наҳотки билмасангиз?! Ахир қаерга келганини ҳам билмайдими одам. Сиз ўз Ватанингиздасиз! Бинонинг пештоқига шундоқ ёзиб кўйишди-да-ку. Бу ерга фақат ватанпарварларгина ташриф буюришади. Сизнинг ҳам фидойилигингиз юз-кўзингиздан шундоқ билиниб турибди... Аслида эса кўзларим кўрқувдан отилиб чиқиб кетай деб турган эди. Бақалокнинг хай-хайлашига қарамай, «сиз» этиб хонадан чиқиб кетдим. Нариги хонанга кириб олгунимча, гўёки кетимдан қувиб келаётгандек туюлиб турди. Кейинги хона ҳам шунанга ирқит эканки, нафасим хиппа бугулиб қолгандай бўлди. Турдаги столда гурчқўлга одамнинг бошини қадаб қўйганга ўхшаш киши ўтирибди. У ўзини ўтирган курсисига чирмаб боғлаб ташлаган. — Кечирасиз... мен қанақа жойга келиб қолдим? — овозим қалтираб сўрадим. У ҳам бақалокқа ўшаб, ўзига умуман ярашмаган ҳаракат билан дик этиб оёққа турди. Турса ҳам, юрса ҳам орқасига боғлаб қўйилган стули осилиб юрар эди. — Келинг, азизим. Наҳотки беҳабар бўлсангиз?! Ахир қаерга келганини ҳам билмайдими одам. Сиз ўз Ватанингиздасиз!.. Худди бақалокнинг гапларини тақрорлай бошлади. Йўлакка отилиб чиқдим. Теъда қочиб қолиш учун

йўлакнинг охиридаги эшикка ўзимни урдим. Агар қўлиб бўлса, очилиб кетар, деб ўйлаган эдим. Шундоқ ҳам очиб экан. Катта ва шинам хонага кириб қолдим. Кўёш чарақлаб кетгандай бўлди. Бир одам у ёқдан бу ёққа юриб турарди. У менга аниқши билан қараб қўйди. — Илтимос, менга туншунтиринг! Қаердаман ўзи? — Сен ҳам ахмоқсан! Қаерга келдинг, нимага келдинг... билмайсан! Бу турдиш... У кўл силтаб, бошқа гапларимда. Енгил нафас олдим. Койиса ҳам, ҳарқалай, ҳақиқатни гапиряпти-ку! Ростданам қаерга келиб қолганимни билмайман, ҳатто нима қилаётганимни ҳам. — Мен кечиринг... — Сендайларнинг нечасини кечиршим керак! Бир кунда мингтанг шу ахволда келсан. Яқинда эшигим жойидан узилиб тушса ҳам ажаб эмас. Мен унга наҳоткоримдек қарай бошладим. Юриб-юриб ҳовуридан бироз тушди. — Менинг хонамга келгунча кимларни кўрдингиз? Мен кўрганларимни гапириб бердим. — Афсу! Унда сизга ёрдам беролмайман... — Нега?.. — Йўлаб юборай дедим. — Улар ҳозир сизни олиб кетгани келишади.

Мен фақат маслаҳат беришим мумкин. Қаердаки игна қўрсангиз, бармоғингизнинг учига санчиб олинг. Дам ўтмай, бақалок билан қилтирик пайдо бўлдию, оёғимни ерга теккизмай кўтариб кетди. Наҳоткорим эса дод-войимни эшитиб, ачинганча қараб қолаверди. Узимни улкан ва ҳашаматли залда кўрдим. Қайси эшикдан кирганимни ҳам билмайман. Зал лик тўла одам экан. — Албатта, азизим. Энди айтинг-чи, Ватанимиз ёшларининг жами неча? — Утган масъудда 15 та эди. Бу сафар уларнинг сонини 25 тага етказдик, — ҳамма чапақ чапиб юборди. Мен ҳам ҳеч нарсадан ҳайратланмай, уни олқиллаб, жойини эгаллашга рухсат бердим. — Мен жамиятдаги Ф. аёлларданман, — деб сўз олди хитга белги аёл. У «фаришта» аёлми ёки «фоҳиша»ми, бунисини сўраб ўтирмадим. — Эшим 40 дан ошди. Аммо ўзимга оро бериб юрганам учун ҳамма мени энди балогот ёшига етган бўлиш керак деб ўйлайди. Ёшларнинг энг ватанпарвар кўшиқчисиман. — Мени маъзур тутинг, азизам, — булунлай ихтиёрсиз гапириб юбордим. — Сизнинг Ватан ҳақидаги кўшиқларингизни асло эшитмаганман. — Тўлпа-тўғри айтдингиз. Ахир сиз ҳозиргина келдингиз-да. Хали ватанимиз ёшларининг сонини нечалигини ҳам билмас эдингиз. — Жуда яхши. Унда сиз энг машҳур пештахталаримиздан бирига суратингиз билан реклама беринг. Токи менга ўхшаганлар билиб олишсин. Бу сизга топшириқ! — Бахониди! Биз ёшлар сизнинг оёқларингиз бўламиз! Залда яна гулдўрос қарсақ янраб кетди. Шу тақлид ҳамма ўзини маълум қилди. Кимдир В. (ватанпарвар ё ваъдабоз), кимдир Ж. (жонқуяр ё ж...), яна кимдир эса П. (пахлавон ё порахўр) деб таништирди. Ниҳоят мажлисни яқунлаб, ташқарига чиқдим. Эшикни ёпа туриб, пешонасидани ёзувга кўзим тушди: «Жиннихона». Туттақиб кетдим. Булар мени қаерга олиб келишди! Энди ҳаёлим бутунлай жойида эди. Жон ҳолатда наҳоткоримнинг хонасига югурдим. У ҳамон оёқда юриб турган экан. Мени кўриб, чеҳраси очилиб кетди.



Янги йил кечаси Абдурашул ҲАКИМОВ чизган сурат

HURRIYAT newspaper advertisement with contact information, subscription rates, and a list of authors.